

ЎРТА ОСИЁ: ЎЗБЕК ХАЛҚИНинг СОЦИАЛ –МАДАНИЙ ИТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНИДА БЮОК ИПАК ЙЎЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Холмирзаев Хайитбой

Низомий номидаги ТДПУ доц., с.ф.н.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7370320>

Аннотация. Қадим даврданоқ, Ўрта Осиё хусусан, ҳозирги Ўзбекистон худуди нафақат ўзининг турфа ҳил, яъни ранг-баранг ва бетакрор сўлим табиати билан балки, аҳолисининг меҳнатсеварлиги билан ҳам эътиборга молик. Улар ўзгаларга нисбатан меҳмондўст, хушифеъл ва толерант-багрикенглиги билан алоҳида эътирофга сазовордир. Буюк Ипак йўли чораҳасида истеъқомат қилган ўзбеклар тили, дини, миллий урф-одатлари яқин бўлган уйгур, тоҷик, қорақалпоқ ва қирғиз каби туркий тиллик миллат вакиллари билан нафақат дўстлик ва биродарлик балки, қариндошлиқ ришиналари билан ҳам маҳкам боғланган.

Ушбу мақолада Буюк Ипак йўли чораҳасида истеъқомат қилган ўзбек ва бошқа туркий тиллик миллат вакилларининг ўзига хос турмуши тарзи, қадрият ва маданиятининг ўзаро уйгунилиги ҳамда ўзига хослиги хусусида мушиҳада юритилади.

Калим сўзлар: миллат, ҳалқ, тил, аҳоли, этнология, этнография, этногенез, ватан, келажсак, истиқбол, социал ҳаёт, маданий ҳаёт, ёш авлод, қирғизлар, кўп миллатлилик, миллий ўзлик, урф-одат, анъанавийлик, тил, тилишунослик.

ЦЕНТРАЛЬНАЯ АЗИЯ: ЗНАЧЕНИЕ ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ В ПРОЦЕССЕ СОЦИОКУЛЬТУРНОЙ ИНТЕГРАЦИИ УЗБЕКСКОГО НАРОДА

Аннотация. С древних времен Средняя Азия, в частности территория современного Узбекистана, отличалась не только своим разнообразием, красочной и неповторимой природой, но и трудолюбием своих жителей. Особого признания они заслуживают за гостеприимство, доброту и терпимость по отношению к другим. Узбеков, живущих на перекрестке Великого Шелкового пути, тесно связывают не только дружба и братство, но и родственные узы с представителями тюркоязычных народов, таких как уйгуры, таджики, каракалпаки и киргизы, язык, религия и национальные традиции близки.

В данной статье рассматривается уникальный образ жизни, ценности и культура узбекского и других тюркоязычных народов, живших на перекрестке Великого шелкового пути.

Ключевые слова: нация, народ, язык, население, этнология, этнография, этногенез, родина, будущее, перспектива, социальная жизнь, культурная жизнь, молодое поколение, кыргызы, полиэтничность, национальная идентичность, традиция, традиционализм, язык, языкознание.

CENTRAL ASIA: THE MEANING OF THE GREAT SILK ROAD AND THE PROCESS OF SOCIAL AND CULTURAL INTEGRATION OF THE UZBEK NATION

Abstract. Since ancient times, Central Asia, in particular the territory of modern Uzbekistan, has been distinguished not only by its diversity, colorful and unique nature, but also by the hard work of its inhabitants. They deserve special recognition for their hospitality, kindness and tolerance towards others. Uzbeks living at the crossroads of the Great Silk Road are closely connected not only by friendship and brotherhood, but also by family ties with

representatives of the Turkic-speaking peoples, such as the Uighurs, Tajiks, Karakalpaks and Kyrgyz, language, religion and national traditions are close.

This article discusses the unique way of life, values and culture of the Uzbek and other Turkic-speaking peoples who lived at the crossroads of the Great Silk Road.

Keywords: nation, people, national minority, history, philosophy, language, ethnology, ethnography, ethnogenesis, homeland, future, perspective, law, way of life, sociality, cultural life, future, young generation, national identity, tradition, traditionalism, language , linguistics, epic, epic, poem.

Қадимги халқлар, жумладан Ўрта Осиё худудида истеъқомат қилган аҳоли ҳаёти ва турмуш тарзининг ҳар томонлама ривожланишида савдо ҳамда транзит йўлларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Милоддан аввалги III минг йилликка келиб, Ўрта Осиёning кўпгина худудлари қадимги аҳоли томонидан ўзлаштириб бўлинган эди. Чўл ва дашт худудлардаги қўчманчи чорвадор аҳоли воҳалардаги ўтроқ аҳоли билан ўзаро алоқаларни бронза даврига келиб янада ривожлантиради. Тарихий манбалардан маълумки, Буюк ипак йўли ташкил топмасдан анча аввалроқ Қадимги Шарқ ва Ўрта Осиё худудларида ўзаро товар алмашинув йўллари мавжуд эди.

Антропологик ва ёзма манбаларга кўра милоддан аввалги IX-VIII аср-ларда Ўрта Осиёда энг қадимги элатларнинг шаклланиши ва этник худуд-ларнинг ажralashi якунига етган давр ҳисобланади. Ушбу масаланинг ўрганиш жуда мураккаб муаммо бўлсада шубҳасиз айтиб ўтиш керакки, милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмида Эрон аҳмонийлари сулоласи-нинг Ўрта Осиёга юришлари айнан шу даврга тўғри келгани бу борада яҳамятлидир. [1, -Б. 6].

Милоддан аввалги 138 йилда Хитой императори У-Ди Чжан Цянни Ўрта Осиёга элчи сифатида жўнатди, элчининг вазифаси Хитойнинг хуннларга қарши курашида иттифоқчи топиш эди. Милоддан аввалги II-I асрларга келиб, Чжан Цян юрган йўллар бўйлаб, Хитойнинг Ўрта ва Фарбий Осиё билан боғлаган карvon йўли пайдо бўлади. Кейинчалик, Буюк ипак йўли номи билан машҳур бўлган йўлнинг умумий узунлиги 12 000 км ташкил этган. Ўз даврида ўлкан аҳамият касб этган Буюк Ипак йўли, Хитойнинг Сиань шаҳридан бошланиб, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон ва Бобил (Месопотамия) орқали Ўрта Ер денгизигача чўзилган. [2, -Б.160].

Хитойни Ўрта Осиё билан боғловчи Буюк ипак йўли карвонини Шарқий Туркистон орқали ўтган бўлиб, ерлик аҳоли уйғурлар, Ўрта Осиёда яшовчи аҳоли билан тил ва этник жиҳатдан яқин бўлган, кейинчалик Ислом динини кенг тарқалиши туфайли, диний эътиқод бирлиги ҳам юзага келди. Буюк ипак йўли карвони ўтган худудларда истеъқомат қилган халқлар ҳаётига бевосита савдо карвонининг гоҳида ижобий гоҳо салбий таъсири бўлган. Савдо-сотиқ алоқалари туфайли Ўрта Осиё аҳолиси ўзга халқ, миллатларнинг маданий ҳаёти ва ижтимоий турмуш тарзи билан танишиб, уларнинг ижобий жиҳатларини ўзлаштируди. Шу сабаб, ўзга тил ва динга эътиқод қилувчи Хитойликлар ҳаёти билан қисман танишув имконияти яралди.

Кун хақонлиги таъсирида бўлган Хитойда Фарбий ва Шарқий Хан империясини забт этиш, ўлкани ишғол қилиш ҳамда Хитойдан Фарбга борадиган Буюк ипак йўлини ўз назорати остига олиш учун тинмай харакат қилди, айрим йилларда ўз максадларига

вактинча бўлсада эришган, лекин уни бутунлай Хунлардан тортиб ололмаган. [3, -Б. 128-132].

Буюк Ипак йўли ўтган худудда истеъқомат қилган аҳоли ҳаётига у фақат ижобий таъсир ўтказган фикрни олға суриш, бироз муболағали бўлади. Кези келганда таъкидлаш жоизки, шарқий Туркистон Шарқ ва Фарбни боғлаган Буюк ипак йўлидаги муҳим худуд ҳисоблангани сабабли, доимо йирик давлатлар ҳамда жаҳонгирлар эътиборини ўзига тортган. Шу боис ҳам ўлка ҳалқдарининг кўчиш (миграция) жараёни жиддий тус олган ва бу ердаги давлатчилик тарихининг ривожланиши доимо ташқи таъсирлар остида бўлган.

Жумладан, уйғурлар тарихига кўра ҳозирги Шинжон-Уйғур мухтор райони 1955 йил 1 октябрдан бошлаб расмий жорий этилган. Шунгача мазкур ўлка рус ва ғарб адабиётида Шарқий Туркистон, Хитой Туркистони, Туркия адабиётида Дўғи Туркистон, Хитой адабиётида Шинжон (русча транс-крипцияда Синьцзян). Қадимги хитой манбаларида Шиюй (Шиюй-Ғарбий замин, Ғарбий юрт, Ғарбий мамлакатлар), XIV-аср ва XVI-XVII асрларда битилган форсизабон кўлёзмаларда Уйғурия, Уйғуристон номи билан юритилган. [4,-Б.404-407]. Буюк ипак йўли чораҳасида истеъқомат қилган миллатлар нафақат тил жиҳатдан балки диний эътиқодида ҳам ўхшаш жиҳатлар бўлгани боис, турмуш тарзида ҳам маданий трансформация жараёни юзага келган. XVIII асрдан бошлаб, уйғурларнинг Фарғона водийсига оммавий кўчишлари рўй берган. 150 йил давомида Торим водийсида манжур маъмуриятига қарши кўп кўзғолонлар юз берди. Ҳар гал улар бостирилганда минглаб уйғурлар Кўқон хонлиги худудларига кўчиб кетдилар. Айниқса, 1826-1828 йиларда Жаҳон-гирхўжа раҳбарлигига манжурлар маъмурияти зулмiga қарши кўтарилиган кўзғолон бостирилганда Торим водийсидан Ўзбекистонга кўчиб келувчилар кўп бўлди. Козок, олими Чўқон Валихоновнинг маълумотига кўра, “Фарғона ўлкасининг Кўқон, Шахриҳон ва бошка шаҳарларига 70 мингга якин уйғурлар кўчиб келиб жойлашган. Ўша даврда Туркистонга кўчиб келган уйғурларнинг умумий сони 300 минг кишидан иборат бўлган”. [5, -Б. 150-160].

Шарқий Туркистонда яшаган Ислом динига эътиқод қилувчи уйғур ва дунган каби миллий озчиликни ташкил қилувчи миллатлар, тақдири юртимиз билан шу тариқа боғланган. Шунингдек, Ўзбекистонга қирғиз миллатининг жойлашувига ҳам маълум бир сабаблар бор. Шу тариқа, туркий тилда сўзлашувчи аҳоли, тақдир тақазоси билан худудимизни ватан тутди. Уларнинг аччиқ бўлсада ўз ўтмиши, тарихи, тили, миллий анъана ва урф-одатлари бор лекин, майиший ҳаётнинг ўзаро яқинлиги натижасида ўхшашлик ёки ўзаро уйғунлик рўй берган. Чунки, ҳалқ ёки миллатнинг типологик белгиларига умумий тил, турмуш тарзи, маданият, ахлоқий қадриятлар кабилари билан бирга «халқ руҳи» ёки «халқ қалби» каби психологик хусусиятлар ҳам киради. [6,-Б.113-115].

Мамлакатимиз миллий мустақилликка эришилгандан сўнг Марказий Осиё ҳалқларининг, хусусан ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркманларнинг ҳам миллий идентиклик жараёнларини англаш эҳтиёжи ва бу феноменга бўлган қизиқишилари ортди. [7,-Б.142-150]. Зоро юртимизда истеъқомат қилаётган туркий тиллик миллат вакиллари: ўзбек, уйғур, дунган, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ миллатлари ўзига ҳос турмуш тарзига эга лекин, урф-одат ҳамда анъаналарида ўзаро интеграцияси мавжуд. Глобал макондаги ижтимоий ўзгаришлар ҳар бир ҳалқ ва турли этник-худудий бирликлар миллий идентикликнинг негизий элементлари бўлган маданий ўзига хослик, тил, санъат,

маънавий категориялар мазмунида ҳам муайян ўзгаришларни юзага келтириб глобаллашув жараёни таъсирида мазкур масала янада кескин тус олмоқда. [8,-Б.676-688].

Хусусан тиллар, таснифига кўра: ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қора-қалпоқ ва уйғур тиллари, қадимги туркий тиллар оиласига мансуб. Бу тиллар эволюцияси, келиб чиқиш тарихига кўра, қадимги туркий тиллар негизида пайдо бўлган ҳамда ажralиб чиққан. Бутунги кунда туркий тиллар гурухини ташкил этувчи тиллар соҳасида мустакил тадқиқот олиб борилса, қардош тилларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ўзвийлиги тўлиқ акс этади.

Ҳар бир тил, маълум бир тил оиласига мансуб, ёки турдош бўлишидан қатъий назар ўзга тиллар таъсирига учрайди. [9,-Б.2278-3075]

Аксарият, собиқ шўро ҳукмрон-лиги таъсирида бўлган туркий тиллар тараққиётiga фақатгина қардош ёки турдош тилларгина эмас, балки рус тили чуқур таъсир ўтказган. Шунингдек, ўрал-олтой тиллари ҳам туркий тилларга нисбатан сезиларли таъсирида бўлган. Шу сабабга кўра, муайян туркий тиллардаги интеграция ҳодисаларини изоҳлашда юқорида келтириб ўтилган тиллар билан қиёслашга ҳам тўғри келади. Тиллар интеграциясини қиёсий ўрганиш, таҳлил жараёнида туркий тиллар, ўрал-олтой тиллари билан узвий, сифатда ўрганиш лозим бўлади. Чунки, тилларнинг грамматик шакллари генезисини ёритишда интеграция ҳодисаларнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлигини хисобга олиб, чуқур ҳамда тизимлик таҳлилни амалга ошириш керак бўлади. Тилларнинг шаклланиши ва ўзгаришларини аниқ, мантиқий фикр орқали исботлаш керак бўлади. Бу эса туркий тилларга хос грамматик шаклларнинг тараққиёти ва умумий тузилиш моделини кўрсатиш имкониятини яратади. [10]

Ўрта Осиёнинг ғарбий Тян-Шан, Чотқол ва Ҳисор тоғ тизмаларидаги ғор ва қоя тошларга ишланган қоятош тасвирларида акс этган ов ва меҳнат қуроллари, бугунги кунда ибтидоий ҳаёт тарзини ўрганишга қўл келади. Шунингдек, қоятош тасвирларида ифодаланган инсонларнинг уст-бошларида ҳам бугунги кунда амалда бўлган тасвир ва шаклларга нисбатан айнан ҳамда ўҳшаш жиҳатлар кўплаб учрайди. Бу каби қоятош тасвирларининг нисбатан мукаммал ифодаси Сурҳондарёнинг Зараутсой ва Нуротанинг Сармишсой дараларидағи қоятош тасвир, суратлар билан қиёслаш, солиширишдан фарқли жиҳатлар аниқланади.

Антик давр грек тарихчиси Герадотнинг “Тарих” ва Страбоннинг “География” асарида нисбатан озчиликни ташкил этган скиф қабиласига оид фикрга қўра қадимги Ўрта Осиё худудида азалдан яшаган қирғизларнинг ўтмиш аждоди деган тўҳтамга келинган. Аммо, Ўзбекистон худудида яшовчи қирғизлар “...Совет тарихчиси К. И. Петров гипотезасига кўра Сибирнинг Олтой ўлкаси ва Енесей дарёси худудида яшаган қирғизлар, Ўрта Осиёга шимолдан кириб келган. Ўтроқлашиш даврида шарқий қипчоқлар билан аралашуви (интеграцияси) натижасида улардан Олтой қирғизлари келиб чиқан. Ўрта Осиёда камчиликни ташкил қилган скиф қабиласининг сак, скиф, гун ва карлуқ каби турк ҳамда эрон тиллик қабилар таъсирида шаклланган қирғизлар Қирғизистон жанубида жойлашган”-деган фикрни олға суради. [11]. Ўрта Осиё хусусан ҳозирги Ўзбекистон худудида яшаган аждодларнинг кўп асрлик тарихида халқ амалий безак санъати турлари бой ва ранг-баранг бўлиб, ўтмиш маданий меросимизнинг энг ажойиб, бетакрорлигини ўзида акс этирган. [12,-Б.59-60].

Ўзбек диёрида вужудга келиб, тарақкӣ этган амалий санъат турлари бемисил ва бетакрорлиги билан дунёга машхур. Бундай тараққиёт босқичлари хақида фикр юритганда ўзбек амалий безак санъати турларининг қадим илдизлари, ибтидоий жамиятга ҳослигини шоҳиди бўлишимиз мумкин. Савдо карvonлари фалоиятидан келиб чиқиб, миллий хунармандчилик ҳам дехқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан узвий тарзда ривожланди. Кулолчилик, тўқувчилик: жун, пахта, ипак ва бошқа табиий толалардан мато ҳамда турли рўзгор ашёларини яратиш вужудга келди.

Анъанавийлик, бир воқеа ёки ҳодисанинг айнан ва ўхшаш тарзда тақрорланишига нисбатан айтилади. Маданиятшунослик фанида бир воқеа, ёки ҳодиса ва жараёнларнинг айнан баъзан ўхшаш тарзда тақрорланишига нисбатан анъанавийлик деб айтилади, анъанавийлик эса дин, тил, дунёқарааш ва маданий-социал ҳаётнинг энг сара жиҳатларини ўзида мужассам этади [13].

Табиатдан ярим ўтрок, кўчманчи турмуш тарзига эга бўлган Ўрта Осиё аҳолиси асосан дехқончилик, боғдорчилик ва қисман чорвачилик билан машғул бўлган. Яшаш учун кураш, бу кишилик жамиятига доир масала бўлиб, кейинчалик маданий турмуш анъаналарида савдо-сотиқнинг тарақкӣ этишидан, табиий эҳтиёжлар ўрнини, маданий ҳаёт анъаналарига ҳос инсонлардаги яхши яшаш эҳтиёжи эгаллади. Қўл меҳнатидан ақлий меҳнат ажралиб чиқди, ов қуроллари ва уй-рўзгор буюмларига нисбатан эҳтиёж кучайди балки такомиллашиб борди. Ибтидоий ҳаёт давридан мерос бўлган тошга ишлов бериш, ҳайвон суякларига жило бериш ва ёғоч уймакорлиги ҳам секин асталик билан ривожланиб, амалий санъат намунасига айланди.

Якин ўтмишда ўзбек амалий безак санъатининг энг ривожланган нақ-қошлиқ, ганчкорлик, тош ва суяқ уймакорлик, қандакорлик, пичоқчилик, бўйрачилик, заргарлик, каштачилик, зардўзик, гиламдўзлик, кигизчилик ва саватчилик каби турлари пайдо бўлди.[14,-Б.415-419].

Амалий санъат турларининг пайдо бўлишида қадимги Ўрта Осиёга кўчиб ўтган чоравадор туркий аҳоли билан ўзаро яқин ҳамкорлик натижасида юз берди. Ясаш технологияси, миллий номлар ва уларга хос атамалар, бу санъат турига хос мактаб, услуг ҳамда соҳа ривожига улкан ҳисса кўшган номдор усталарнинг хизматларини жаҳонга машҳур қилди.

XI асрда қандакорлик маҳсулотларини мис ҳамда мис қотишмаларидан тайёрлай бошладилар. Археологик топилмаларга қўра эрамиздан аввалги III аср охири ва II аср бошларида биринчи (маҳсус мис қотишмаси) тўғнағичлар Миср, Ўрта ер денгизи, Бобил (Месопатамия), Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалганлиги аниқланди. Бу ашёлар, металл буюмларига бадиий ишлов беришнинг ilk намунаси эди. Тўғнағичлар, турига қўра икки ҳил бўлиб, кийим(тугма ўрнида)ларда ва соч турмагида фойдаланилган, буюмларга бўртма ёки уйма тарзда бирор-бир воқеа, ёки ҳайвон гоҳида эса ўсимликлар шакли тасвирланган. Фарғонада водийсидан топилган 1-минг йиллик ўрталарига оид бўлган маросим қозони “ҳайвонот олами” услубидаги қандакорлик бўртама нақшлар билан безатилган.

Қадимги Ўрта Осиёда тарақкӣ этган амалий санъат, Хоразимда чорвачилик ва дехқончиликнинг барқарор ривожи сабаб, жун, пахта ва ипак матодўзлик ва гилам тўқиши соҳасида тарақкӣ этди. Буюк ипак йўли туфайли амалий санъат намуналари ўзга худудларда ҳам рақобатбардошлиги туфайли ўша давридаёқ ўз харидорига эга бўлди.

Шунингдек, темир ва ундан ясалган рўзгор буюмлари каби қурол-яроғ воситаларига ҳам талаб кучайган эди [15].

Заминимизда олиб борилган археологик қазишлар натижасида топилган ашёларнинг гувохлик беришича, инсонятнинг буюмларга бадий ишлов бериш фаолияти тош асридаёқ бошланиб, асрлар оша сайқал топган. Амалий санъатга нисбатан бу қадар чуқур фалсафий ёндошиш туфайлик соҳада шартлилиқ, стилизация ва рамзийликка асосланган бадий безак асарлари кўплаб яратилган. Ушбу тарихий омил, нафақат ўзбек миллий безак санъати ривожига туртки бўлган балки, хозирда жаҳонга машхур меъморчилик ёдгорликларининг ажralmas таркибий қисми бўлган ганчкорлик, кошинкорлик, наққошлиқ, ҳаттотлик ва тоштарошлиқ каби амалий санъат турининг ажойиб, ноёб ва бетакрорлиги кашф этди.

Амир Темур ҳукмронлиги даврига келиб, кўп асрлар аввал ўтмишга айланган Буюк ипак йўли қайта тикланди. Ҳунармандчилик тармоқларининг ривожланиши учун маҳаллаларда ҳунармандлар гузарлари барпо этилиб, ушбу соҳанинг ривожига эътибор қаратилган. Янги бозорлар, раста, тим ва тоқилар қурилиб, савдо марказларига айланди. Тўқимачилик, кулолчилик, мисгарлик, темирчилик ва бинокорлик соҳалари асосий ўрин тутган. Тўқимачиликда каноп ва жуни қайта ишланган мато тўқиши, ипақдан шойи, атлас ва бекасам каби газламалар яратилган бўлса, пахта ва шойини қўшиб тўқишдан адрес, кимхоб, банорас ва дуҳоба каби турли ҳилдаги ааралаш газламалар тўқилган. Пахта толасидан нафис ҳарир матосини тўқиши билан кундалиқда талаб кучли бўлган чит, қалами, алак ва бўз каби газламалар яратилди. Бу мато ва газламалар нафақат мамлакат ички бозорларида балки хорижий савдогарлар томонидан қўшни ҳамда узок давлатларга ҳам олиб бориб сотилган.[16].

Ҳунармандчилик буюмларига ишланган нақшларда бадий жиҳат янада нозиклашди, майда ислимий ҳамда ёзуви нақшлар янада кўпроқ ишлатилди. Россиянинг Эрмитаж музейида сақланаётган шамдонларга садаф ёрдамида бетакрор нақшлар ишланган, эшик ҳалқаси ва етти хил метал қоришимасидан қуйилган “қозон”га ҳам садаф қадалиб, шабака ҳалқаларга кандакорлик ва риҳтагарлик услубида ўсимликсимон нақш ҳамда юксак бадий ҳусниҳат ишланган. Жумладан, Аҳмад Яссавий мақбарасидан олиб кетилган афсонавий қозон ишлаш услуби, ҳажм жиҳатидан дунёда ягона бўлиб, уни табризлик риҳтагар Абдул-азиз ибн Шарофиддин ясаган.

Халқ амалий безак санъати, инсон ижодий тафаккури маҳсули сифатида кишиларнинг маънавий оламини бойитиб, бадий онг, дунёқарашиб ва дидини шакллантириб, рухиятини тарбиялайди. [17]

Руи Гонсалес де Клавихонинг сафар хотиралари биринчи марта 1582 йил Аргонте де Молина шаҳрида “Буюк Темур тарихи” номи билан нашр этилди. Асада Амир Темурнинг Самарқанддаги Боғи Дилкушода ўтказган қабул маросими, ушбу боғ тавсифи, шунингдек, Амир Темурнинг меъморчилик, ободончилик ва бошқа турдош соҳаларни такомили учун олиб борган сиёсати батафсил баён этилган. У Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё ҳалқлари тарихи бўйича қимматли манба ҳисобланади.

XV аср миниатюраларининг аксариятида шарқ шеъриятининг қаҳрамон-лари: Лайли ва Мажнун, Хусрав ва Ширин, Рустами достон жангномалари лавҳалари тасвирланди. Умуман миниатюра санъати Ирок, Эрон, Хурросон, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонгача бўлган худудда бир даврга хос бадий- эстетик ҳодиса эди. Бу ҳодиса

Темурийлар билан боғлиқ бўлиб, темурий-ларнинг соҳага кўрсатган ғамхўрлиги туфайли Бағдод, Шероз, Табриз, Хирот, Самарқанд ва Дехли каби марказларида бир неча миниатюра мактаблари вужудга келди.

Қадимги Шарқ миниатюра санъатида асарнинг томошабин томонидан қабул қилиниши, унинг композиция ечимиға боғлиқ эканлигини ёдда тутмоқ керак бўлади. Композиция-санъатнинг барча йўналишида кўлланилади. Композиция сўзи лотинча “composito” сўзидан олинган бўлиб, тузиш, бирлаштириш, боғлаш ва тасвирий санъатдаги турли хил унсурларни бир бутун яхлитликда бирлаштиришдан, бирон-бир ғояни мадҳ этиш маъносини англатади.

Самарқанд миниатюра мактаби XIV-XV асрнинг биринчи ярмида сарой мусаввирлари Абул Хайя, шогардлари: Шайх Махмуд Талилий, Пир Аҳмад Боги Шамолий, Мухаммад бин Махмудшоҳ ва Дарвеш Мансурлар ижоди маҳсули сифатида қарор топган. Самарқанд миниатюра мактабида яратилган туркум асарлар, миниатюраларда Хитой рассомчилиги таъсири сезилиб туради. Чунки, бу миниатюрада туркий образлар Шарқий Туркистон услубига хос тарзда ижод қилинган. Номлари зикр этилган мусаввирлар ижодида тасвир чизгилари нозик ишлаган, бўёқлар билан ишлашда ҳам ўта нафис, ранглар усталик билан қўлланган. Миниатюра санъатида тасвирнинг муҳим тасвирий ва таъсирли воситаси-ранг (колорит) ҳисобланади. Ранг орқали рассом борлиқ ёки хаёлий дунёни кўриб, маконнинг чексизлиги, моддийликни ҳажм ва фактурасини ранглар уйғунлигига ифодалашга ижодкордан юксак дид ҳамда маҳорат талаб этилади.

Ўрта асрлар Шарқ миниатюра санъати замонлар оша яшаб, ўз аъана-ларини сақлаш билан бирга изланишлар туфайли янгича сайқал топмоқда. Авваллари, Камолиддин Беҳзод асарлари қаҳрамонлари янгича ғоя билан яратилган бўлса, эндиликда замондош ижодкорлар асарида Темурий шажараси: темурий шаҳзода ва маликалар ҳаётидан туркум асарлар яратиш анъасини кузатиш мумкин. Бу каби ижод маҳсулидан тарихий шахсларнинг оила ҳамда яқинларига бўлган муносабатни кузатиш имконияти туғилади. Ахир, Шарқда хусусан Ўрта Осиёда оила муқаддас қўрғондир. Оила инсон зоти яратилганидан бошлаб давом этиб, инсоният тарихининг ҳамма даврларида ҳар қандай тузум ва шароитда ҳам кишиларнинг асосий ва муҳим ҳамда шарафли қадриятларидан асосийси ҳисобланади. [18].

Асар дастлаб ижодкор тасаввури ва онгида пайдо бўлган ғоя қораламаси акс этиб, ижод жараёнда инсон ҳаракати, образ қиёфасидаги руҳий ўзгаришлар, мураккаб ҳиссий кечинмалар ва ўй-хаёлларни ҳам акс эттиради. Чунки, Шарқ миниатюра санъатида ижодкор учун бирон-бир воқеа ёки бадиий асар асос бўлиб ҳизмат қиласи. Ижодкор шахс, ҳоҳ у мусаввир, бастакор, шоир ёки ёзувчи ижод жараёнда ўзининг руҳий олами маҳсули бўлган, асарида дунёқарashi, тафаккур олами ва ҳиссий жараёнини мужассам этган ҳолда ижод қиласи. Шу сабаб ҳам ўзбек миниатюра санъатига пойдевор бўлган буюк истеъдод эгаси Камолиддин Беҳзод маънавий хазинасига йиллар, асрлар оша қайта ва қайта мурожаат этаверадилар

Хулоса ўрнида шуни эътиборга олиш лозимки, интеграция динамик жараён бўлиб, доимо ички ва ташқи омиллар таъсири остида ривожланади. Хусусан, аввал бир бутун бўлакка бирлашган қисмлар объектив ёки субъектив сабаблар бўйича ажралиб кетиши жараёни дезинтеграцияни (лотинчадан de-“бекор қилиш” + integratio –“бирикиш”)

келтириб чиқарса, уларнинг яна қайтадан бирлашиши реинтеграцияни (лотинчадан re – “қайта” + integratio – “бирикиш”) келтириб чиқаради.

Мазкур мақолада Ўрта Осиё халқларининг ҳаётида рўй берган интиграция жараёнларининг салбий ва ижобий жиҳатларини даврий воқеа ҳамда ҳодисаларга таянган ҳолда таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. “Интеграция” тушунчаси лотин тилидан олинган бўлиб, integratio – бирикиш, кенгайиш, integer – яхлит, ягона, маъноларини англатади, ҳамда қисмларнинг ўз хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда бир бутунга бирлашишларини назарда тутади. Интеграция тушунчаси мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, юртимиз ибтидосидан токи ҳозирга қадар ўзбек миллати босиб ўтган тарихий йўлни гоҳо яхлит, баъзан қисман тарзда ўрганишга мувофиқ бўлдик.

Хусусан, маданий интеграция–тил, урф-одат ва маданиятлараро алоқаларнинг кучайишини, иқтисодий масалар узвийлигида ўрганиш, ҳозирга қадар билганларимизни янада мустаҳкамлашга замин яратди. Шу боис ҳам маънавий баркамол шахсни шакллантириш ҳар бир даврнинг асосий мақсаддир. [19,-Б.29-32]

Макон ва замон ҳодисасига кўра ҳар бир даврда иқтисодий интеграция ўз сўзини айтган, мамлакатлар миллий манфаатларидан келиб чиқиб, ихтиёрийлик асосида, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда иқтисодий ривожланишни ва ишлаб чиқариш, яратувчанлик ва рақобатбар-дошликни таъминлаш мақсадида ўзаро чукур ва барқарор ҳамкорликни йўлга қўйишни назарда тутади.

REFERENCES

1. Азamat Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар).-Т.: Шарқ, 2001-Б.-6
2. Ж.Кабиров, А.Сагдулаев Ўрта Осиё археологияси: Олий ўқув юрт. студ. учун қўлланма-Т.: Ўқитувчи, 1990.-160 б.
3. Холмирзаев Х.Д.Қутадғу билик асарини социл-фалсафий таҳлили. –Т.: Фалсафа ва хуқуқ, 2018. 1-сон. 128-132 бет.
4. Hayitboy D. Kholmirzaev, Khalima B. Kadirova. CENTRAL ASIA IS AN INTEGRAL PART OF WORLD CIVILIZATION. EPRA International Journal of. Monthly Peer Reviewed & Indexed International Online Journal. ISSN: 2455-3662. Pp 404-407. Volume: 7Issue:5May2021.DOI:10.36713/epra2013/https://eprajournals.com/jpanel/upload/853pm_7 EPRA%20JOURNALS%203972.pdf
5. Kholmirzaev Hayitboy, Kadyrova Halima. Factors affecting the culture and national identity of the Uzbek people. Philosophical Readings XIII. 4 (2021), pp. 150-160.
6. КАДИРОВА Х. МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИКГА ИЖТИМОИЙЛАШУВ, МАДАНИЙ, ТАРИХИЙ МЕРОС ВА ТИЛНИНГ ТАЪСИР ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ //UNIVERSITETI XABARLARI, 2022,[1/9] ISSN 2181-7324.
7. Кадирова Х. Б. Миллий идентиклик ва миллий ўзликни англаш муаммоларини социологик тадқиқ этиш методологияси //ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2022. – №. SI-1
8. Kadirova H. The Place Of Karakalpak Ethnoculture In The Integration Of Society //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 04. – С. 676-688.

9. Kadirova H., Akhmedova F. Sociological Analysis of the Nation's Identity, the Levels of Feeling the National Identity in Uzbekistan //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN. – C. 2278-3075.
10. Xolmirzaev X. D. Halimmetova R.D. Unread pages of the life story of uzbeks abroad ... galaxy international interdisciplinary research journal (giirjVol. 10, Issue 3, Mar. (2022)
11. Xolmirzaev X. D. Qadimgi Xorazm madaniyati evoyusiyasida madaniy sintez, integratsiya va transformatsiya jarayonlari. Page 320-328. Oriental Art and culture scientific methodical journal, Volume 3 Issue 3/September 2022
12. Кадирова Х. Б. Идентичность: воспитание гармонично-развитого человека в семье //Новый университет. Серия: Актуальные проблемы гуманитарных и общественных наук. – 2016. – №. 11-12. – С. 59-60
13. Xolmirzaev X.D., Kadirova Ya.B., Kadirova X.B. Madaniyatshunoslik. –T.: TDPU. –B. .- 46. -138.-147. ZiyoNet. uz.
14. Kadirova K. RAISING THE LEGAL AWARENESS AND LEGAL CULTURE OF CITIZENS IN SOCIETY //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. B4. – С. 415-419.
15. Абдуллаев Н. С аньят тарихи. 1-т.-Т.: “Ўқитувчи”.-1986. –Б. 276.
16. Xolmirzaev X.D., Kadirova Ya.B., Kadirova X.B. Madaniyatshunoslik. –T.: TDPU. –B. .- 46. -138.-147. ZiyoNet. uz.
17. Холмирзаев Х. Д., Халимметова Р. Д. Хориждаги ўзбеклар ҳаётидан тарихнинг ўқилмаган саҳифалари. Muallim.Teacher.Учитель. 2-махсус сон. 2022. –Б.26.32.
18. Holmirzaev Hayitboy, Yusupova Eleonora. Marriage and a socio-philosophical analysis of the problems leading to divorce in Uzbekistan. International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 29, No. 8s, (2020), pp. 831-837.
19. Кадирова Х. Б. Главная духовная ценность и личность человека //Фэн-наука. – 2015. – №. 1. – С. 29-32
20. Кадырова Х., Каршиев Ш. Взаимосвязь каракалпакского и русского искусства и культуры //ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНЫЕ СВЯЗИ РОССИИ И УЗБЕКИСТАНА И ПЕРСПЕКТИВЫ ГУМАНИТАРНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В СОВРЕМЕННЫЙ ПЕРИОД. – 2018. – С. 112-114
21. Kadirova Y. LOVING THE COUNTRY IS FAITHFUL //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. B4. – С. 420-423.
22. Buvabaevna K. Y. Issues of Civil Literacy Development in the Education System //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 5477-5489.